



ТАСДИҚЛАЙМАН
Түрткүл туман тиббиёт бирлашмаси
бошлигини  З.Худайберганов

Түрткүл туман тиббиёт бирлашмаси “Оккамиш” ва “Шўрахон”
ОФИларда жойлашган контейнерларни жорий таъмирлаш хизмати
хариди учун

**ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД
ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Буюртмачи: Түрткүл туман тиббиёт бирлашмаси

Түрткүл – 2022 й.

ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Танлаш мөҳияти	Тўртқўл туман тиббиёт бирлашмаси “Оккамиш” ва “Шўрахон” ОФИларда жойлашган контейнерларни жорий таъмиrlаш
Ҳар бир товар (иш, хизмат) харид тартиб-таомилларининг алоҳида бирлиги каби кўриб чиқилади	лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	Учинчи чорак 2022 йил
Савдолар ўтказиладиган ой	август 2022 йил
Молиялаштириш манбай	Бюджет маблағлари
Маҳаллий иштирокчилар учун тўлов шартлари	Миллий валютада (сўм) – Кўрсатилган хизматлар хисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи микдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб тўлов амалга оширилади.
Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар	Етказиб бериладиган жой: Қорақалпогистон Республикаси Тўртқўл тумани Нукус кўчаси 36-уй
Товар етказиб бериши (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати (кунларда кўрсатилади)	10 кун.
Энг яхши таклифи амал қилиш муддати	https://etender.uzex.uz/ электрон манзилида кўрсатилган эълон муддати даврида
Иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; шартнома тузиш учун қонуний ҳукуққа эгалик; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.
Масъул хизмат, бофланиш учун шахс, телефон, эл. почта	Харид комиссиясининг раиси – Худайберганов Зафар Зарипбаевич. Манзил: Қорақалпогистон Республикаси, Тўртқўл тумани, Нукус кўчаси, 36 уй, 231200. Телефон: +99897-220-65-35. Электрон манзил: z.khudayberganov@minzdrav.uz

I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар	1.1	Ушбу энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Конуни (кейинги ўринларда – Конун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоми (2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори).
		1.2	Энг яхши таклифларни танлаш моҳияти: Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмасида “Оккамииш” ва “Шўрахон” ОФЙларда жойлашган контейнерларни жорий таъмирлаш.
		1.3	Харидни амалга ошириш учун асос: Ўзбекистон Республикаси президентининг 07.07.2022 йилдаги ПҚ-310-сонли қарорига 1-илова 13-банди “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан йирокда жойлашган маҳаллаларда маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш учун маҳсус контейнерларни ўрнатиш, улар учун инфратузилма яратиш (электр, сув, оқава сув тизими, атрофни ободонлаштириш ва бошқалар), зарур жиҳозлар билан таъминлаш орқали фаолиятини йўлга кўйиш.
		1.4	Энг яхши таклифларни танлаш бошланғич нархи: 255 963 357,00 (Икки юз эллик беш миллион тўққиз юз олтмиш уч минг уч юз эллик етти) сўм ҚҚС билан. Энг яхши таклифларни танлаш таклифида кўрсатилган нархлар энг яхши таклифларни танлашнинг бошланғич нархидан ошмаслиги керак.
		1.5	Ушбу харид қилиш хужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар: аванс тўлови – қонунчилиқда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;
		1.6	закалат — корпоратив буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг таклифларини таъминлаш усули; давлат буюртмачиси — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс; Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши бўйича комиссия — ваколатли орган

			<p>томонидан шикоятларниadolатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида Вазирлар Махкамаси томонидан давлат органлари, давлат харидлари электрон тизимининг операторлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда тузиладиган комиссия; давлат харидларининг режа-жадвали — давлат буюртмачиси томонидан йил ва чорак давомида харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни назарда тутувчи ҳужжат;</p> <p>давлат харидларининг электрон тизими — электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишида давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;</p> <p>давлат харидлари электрон тизимининг оператори — давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, ваколатли орган томонидан белгиланадиган маҳсус ваколатли юридик шахс;</p> <p>лот — турли белгилари бўйича гурухлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) жамланмаси сифатида давлат буюртмачиси томонидан белгиланган ва алоҳида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома бўйича харид предмети ҳисобаландиган микдорий қисм;</p> <p>шахсий кабинет — электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишини таъминлайдиган, давлат харидлари субъектлари, харид комиссиясининг масъул котиби, харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг маҳсус ахборот порталидаги ва (ёки) давлат харидларининг электрон тизимидағи индивидуал саҳифаси;</p> <p>электрон таклиф — энг яхши таклифларни танлаш ва тендер тартиб-таомилида қатнашиш учун харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ўз шахсий кабинети орқали электрон кўринишида юборадиган таклиф;</p> <p>ҳисоб-китоб-клиринг палатаси — аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларига киришини таъминловчи давлат харидлари электрон тизимининг таркибий бўлинмаси.</p>
--	--	--	---

2	Электрон энг яхши тақлифларни танлаш ташкилотчилари	2.1	<p>Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси танлашнинг Буюртмачиси (кейинги ўринларда – Буюртмачи) ҳисобланади.</p> <p>«Буюртмачи»нинг манзили: 231200, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 36-уй.</p> <p>«Буюртмачи»нинг реквизитлари: СТИР 200392480, ОКЭД 86100, МФО 00014</p>
		2.2	<p>Харид комиссиясининг раиси – Тўрткўл тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Худайберганов Зафар Зарипбаевич.</p> <p>Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 36 уй, 231200.</p> <p>Телефон: +99897-220-65-35.</p> <p>Электрон манзил: z.khudayberganov@minzdrav.uz; (кейинги ўринларда – комиссия раиси).</p>
		2.3	Шартнома эгаси: Тўрткўл туман Тиббиёт бирлашмаси.
		2.4	Танлаш Буюртмачи томонидан ташкил этилган, таркибида камида беш кишидан иборат бўлган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
3	Энг яхши тақлифларни танлаш иштирокчилари	3.1	Электрон танлаш иштирокчиси (кейинги ўринларда – иштирокчи) электрон танлашда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган давлат харидлари бўйича иштирокчи сифатида юридик шахс ҳисобланади.
		3.2	<p>Иштирокчи:</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;</p> <p>давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;</p> <p>Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;</p> <p>қонунчиликка мувофиқ тақлифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳукуқига эга.</p>
		3.3	<p>Иштирокчи:</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган тақлифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <p>асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</p> <p>ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.</p> <p>Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси электрон энг яхши тақлифларни танлаш ва танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳукуқига эга эмас.</p>

		3.4	Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувида бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.
		3.5	Иштирокчи давлат харидининг ижрочиси деб эътироф этилган тақдирда: танлаш якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари маҳсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари; ўзларининг веб-сайтларида ва маҳсус ахборот порталида доимий асосда танлаш якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.
4	Электрон танлашга йўл қўйиши	4.1	Буюртмачи ва иштирокчилар ҲҚҚПдаги шахсий ҳисобваракларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон давлат харидларига кўйилади.
		4.2	Буюртмачи ва иштирокчилар электрон танлашдаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.
		4.3	Операторнинг электрон тизими автоматик режимда: - ҳар бир лот бўйича амалга оширилган аванс тўлови микдорига мувофиқ электрон харидларга рухсат беришни; - электрон харидларни амалга оширишни; - электрон харидлар натижалари бўйича ижрочини аниқлашни; - битимни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.
		4.4	Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровномани электрон формада тўлдириш йўли билан амалга оширилади. Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади: - шартнома тузиш учун қонуний хукуққа эгалик; - солиқлар ва йифимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги <u>иштирокчини шартнома тузиш хукукини белгилайди</u> . Иштирокчи сўровномада <u>унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги</u> ҳамда

			<p><u>солик ва йигимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.</u> <u>Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан <u>Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри</u> маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик ҳолати текширилади.</u></p> <p>Оператор:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иштирокчиларга ҲҚҚПда алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очади; - иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.
5	Танлашда иштирок этиш ва таклифни таъминлашни тақдим этиш тартиби	5.1	<p>Таклифни таъминлаш тартиби, шу жумладан, танлаш иштирокчисининг қайтариб бўлмайдиган таклифини кафолатловчи нақд депозитнинг миқдори, киритиш ва қайтариш тартиби электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ белгиланади.</p>
		5.2	<p>Электрон танлашда қатнашиш учун иштирокчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> - маҳсус ахборот порталаида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни тўлдиради (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа маълумотлари). Якка тартибдаги тадбиркор ва резидент тизимда фақат электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади; - ҲҚҚПда рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, иштирокчи учун шахсий ҳисоб очилади. Иштирокчилар электрон давлат харидларида ҲҚҚПдаги шахсий ҳисоб варақларида олдиндан тўлов етарли миқдорда бўлган тақдирда иштирок этадилар; - танлаш шартлари билан батафсил танишгандан сўнг, иштирокчи электрон танлашда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” саҳифасида “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида керакли маълумотларни тўлдиради. <p>Агар “Талаблар” бўлимига маълумот киритиш вақтида ижроидан ҳар қандай талабни тасдиқловчи хужжатни тақдим этиш сўралган бўлса, ушбу хужжат файл сифатида юкланиши керак.</p>
		5.3	<p>Электрон танлаш ўтказишида иштирокчилар томонидан закалат киритиш зарурати ва миқдори буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закалат электрон танлаш ғолиби билан шартнома тузилгунига қадар хатланади.</p>
		5.4	<p>Иштирокчи томонидан таклифни таъминлаш суммасини тўлаш талаб қилинмайди ва бир иш куни ичida таъминлаш тўғрисида хужжат қайtariлadi ёки куйидаги ҳолатлардан бири содир бўлганидан кейин қайtariлиши таъминланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - таклифнинг кафолат муддати тугаши; - давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилишини таъминлаш; - электрон танлашни бекор қилиш;

			<p>- таклифларни юбориш муддати тугагунга қадар таклифи қайтариб олиш.</p>
		5.5	<p>Оператор электрон танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закалатни банддан ечади ва уни <i>иҷрочининг</i> тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.</p> <p>Портал, электрон давлат харидларининг якунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йигимини буюртмачи ва иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади.</p> <p>Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисоб рақамларига қайтиради.</p>
6	Танлаш таклифларни баҳолаш тартиби	6.1	<p>Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равища иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон хужжатларни кўриш имкониятини беради.</p> <p>Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.</p> <p>Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.</p>
		6.2	<p>Танлаш таклифларини баҳолаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлаш таклифининг танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга мос равища расмийлаштирилганлигини текшириш; - иштирокчининг малака талабларга (харид килиш хужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш; - танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш; - танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш. <p>Бунда электрон тизим танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни танлаш таклифининг олдинги қисми</p>

			баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.
	6.3		Дастлабки малакавий танлов ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати ушбу йўриқномага 1-иловада келтирилган.
	6.4		Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ўтказиш бўйича харид қилиш хужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб ва мезонлар асосида амалга оширилади.
	6.5		<p>Иштирокчи харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса; - унда солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса; - ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; - иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса; - иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирилса; - иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқлансан; - иштирокчи коррупция қўринишларининг олдини олиш тўғрисида ариза тақдим этмаган бўлса; - иштирокчи шартнома тузиш хуқуқига эга бўлмаса; - иштирокчилар томонидан белгиланган муддатда талаб қилинадиган хужжатлар тўплами тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилган хужжатлар тўплами харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермаса; - танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган бўлса. <p>Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисботга киритилади ҳамда улар ҳакида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.</p>
	6.6		Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш

			<p>таклифи танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.</p> <p>Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.</p>
		6.7	<p>Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.</p> <p>Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.</p>
		6.8	<p>Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 10 (үн) иш кунидан ошиши мумкин эмас.</p>
7	Электрон танлашда иштирок этиш учун таклиф юбориш	7.1	<p>Танлашда иштирок этиш учун танлаш таклифи давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланади.</p>
		7.2	<p>Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.</p> <p>Ҳар бир жойлаштирилган электрон хужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p>
		7.3	<p>Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.*</p> <p><i>*Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид обьекти бўлган товарларнинг намунаси тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси уларни иштирокчилар томонидан топширишининг алоҳида тартибини белгилайди.</i></p> <p>Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ хужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган хужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.</p>
		7.4	<p>Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно.</p>

			Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.
		7.5	Электрон танлаш иштирокчиси: - факат битта таклиф беришга ҳақли; - тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар; - таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.
		7.6	Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.
		7.7	Техник таклиф қуидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак: - техник таклиф ва ушбу йўриқномага илова қилинган 5-шаклга мувофиқ таклиф этилаётган маҳсулотнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали; - товарни ишлаб чиқарувчидан ишончнома (6-шаклга биноан) ёки ишлаб чиқарувчидан рухсатнома (<i>агар электрон танлаши иштирокчиси таклиф этилаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлмаса</i>); - техник хужжатлар (брошюралар, техник паспортлар, фойдаланиш йўриқномалари ва бошқалар ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар).
		7.8	Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.
8	Танлаш таклифларини топшириш муддатини узайтириш	8.1	Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан барча иштирокчиларга тегишли бўлган танлаш таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки танлаш иштирокчиларига таклифлар қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
		8.2	Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгаришишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда мазкур танлашда таклифлар киритиш муддати харид қилиш хужжатларига ўзгаришишлар киритилган санадан бошлаб камида 10 (үн) иш кунига узайтирилиши керак. Шу билан бирга, агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгаришилган бўлса, танлаш ўтказиш эълонига ўзгаришишлар киритилади.
9	Электрон танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш	9.1	Танлаш хужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқсан ҳолда, электрон тизим автоматик равища танлашнинг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда кейинги иштирок этишга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст

			нархни таклиф қилган иштирокчини ғолиб деб аниқлади. Захира изжарчесини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.
		9.2	Электрон танлашда қўйидаги ҳолатларда танлаш ўтказилмаган деб топилади: - битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда; - биринчи босқичда харид комиссияси барча таклифларни рад этса ёки фақат битта таклиф танлашда харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берса. Бундай ҳолатда буюртмачи электрон танлашни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақроран амалга ошириши шарт.
		9.3	Танлаш таклифларини кўриб чиқиши натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллади. Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равища эълон қилинади.
		9.4	Электрон танлашнинг исталган иштирокчиси танлаш таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.
10	Шартнома тузиш	11.1	Электрон танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга ва танлаш ғолиби таклифларига мувофиқ тузилади. Бунда шартнома томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва оператор томонидан шартномалар реестрига киритилади.
		11.2	Агар захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан тақлиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб тақлиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, буюртмачи янги танлаш харидини ўтказади.

Танлаш таклифларини баҳолаш кетма-кетлиги:

Танлаш таклифларини баҳолаш қуидаги кетма-кетлика амалга оширилади:

- танлаш таклифининг харид қилиш хужжатларида кўрсатилган талабларга мувофиқ баҳарлишини текшириш (1-жадвал);
- иштирокчининг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш (агар харид қилиш хужжатлари шартларида назарда тутилган бўлса (2-жадвал);
- танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш (3-жадвал);
- танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш (4-жадвал).

Шу билан бирга, тизим танлаш таклифининг малакавий, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларнинг танлаш таклифининг олдинги қисмини баҳолашни умумлаштиришдан олдин изчил ошкор этилишини таъминлайди.

Электрон танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан

расмийлаштириладиган хужжатлар

РЎЙХАТИ

I-жадвал

№	Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан расмийлаштириладиган хужжатлар ва маълумотлар	Эслатма	Иштирокчини четлатиш учун асос
1	Танлаш Иштирокчиси ҳақида умумий маълумот	1-шаклга мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
2	<ul style="list-style-type: none"> - Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш босқичида эмаслигини; - буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж мухокамаси холатида эмаслигини; - аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганигини; - иштирокчига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати 	2-шаклга мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ Конуннинг 42-моддаси
3	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри	Агар инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчи қайд этилган бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Конуннинг 42-моддаси
4	Солиқлар ва йигимлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслиги тўғрисида маълумот	Ваколатли органдан маълумотнома тақдим этлади, агар муддати ўтган қарз мавжуд бўлса, иштирокчи танлашда иштирок этишдан четлатилади.	Конуннинг 42-моддаси
5	Манфаатлар тўқнашуви	Манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик холатлари бўлган иштирокчилар кейинги босқичга қўйилмайди	Конуннинг 46-моддаси
6	Коррупция қўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза	3-шаклга мувофиқ расмийлаштирилади	Конуннинг 59-моддаси

I-шакл

Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумотлар

1	Ташкилий-хуқуқий шаклни кўрсатган ҳолда, юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганиги ҳақидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхатдан ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	Таъсисчилар тўғрисидаги маълумотлар (<i>тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиши зарур</i>)	

**Керакли ёки шунга ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида
маълумот**

№	Етказиб бериладиган молнинг номи	БУЮРТМАЧИнинг номи, унинг манзили ва боғланиш учун алоқа маълумотлари	Етказиб бериладиган сана	Эслатма

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: «___» _____ 2022 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу билан биз _____ (компания номи) компанияси

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- суд ёки ҳакамлик мухокамаси ҳолатида эмаслигини;
- (*буюртмачи номи*) билан аввал тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларга эга эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтер (молия бўлими боўлиги) Ф.И.Ш. _____

Юрист Ф.И.Ш. _____

Муҳр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссиясига

**Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА**

Ушбу хат билан _____ компанияси
(компаниянинг номи)

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;
- 2) ҳар қандай ҳаракат, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида ҳар қандай БҮЮРТМАЧИ харидлари тартибини қўллаш комиссияси таъсир қилиш учун БҮЮРТМАЧИнинг ҳар қандай жорий ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходими ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклда, бир иш ёки ҳар қандай бошқа қимматла нарса ёки хизмат бевосита ёки билвосита таклиф этиш ёки қимматбаҳо нарса бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;
- 3) рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик мажбуриятини олганлигини, шу жумладан мансублик ҳолатлари аниқланганда;
- 4) Буюртмачи билан қизиқишлиар бўйича низоларга эга эмаслигини, муассислар ва/ёки ИЖРОЧИ ичида ижрочининг танловига кўра қарор қабул қилиш хуқуқига эга бўлган яқин қариндошларга ёки ходимларга эга эмаслигини;
- 5) нархлар ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини ;
- 6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;
- 7) сохта ёки қалбаки хужжатлар тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этган аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди.

Ижрочининг раҳбари ва ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва имзоси

Мухр ўрни

ИЖРОЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

ИШОНЧНОМА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссиясига

Ушбу Ишончнома

га

(Иштирокчининг номи)

завод(лар)га эга бўлган _____ бўйича
(тайёрловчи заводнинг тўлиқ манзили)
расмий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланадиган,
(товар номи)

(ижрочининг номи)

етказиб бериш учун танлашда иштирок этадиган
(товар номи)

га берилди.

(Ташкилот – Савдолар Иштирокчисининг номи ва манзили)

Мазкур ишоннома билан музокаралар олиб бориш, шунингдек биз томонимиздан
ишлаб чиқариладиган _____.
(товарнинг номи)

маҳсулотни тақдим этиш ва етказиб бериш бўйича музокаралар олиб бориш ваколати
берилади.

_____ танлаш савдоларининг ғолиби сифатида тан олинган
(Иштирокчининг номи)

тақдирда, тайёрловчи-завод:

- товарни меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ (халқаро стандартларга
мувофиқ) тайёрлаш;
- товар етказиб берганда сифат сертификатлари ва мувофиқлик сертификатлари тақдим
этиш;
- товар етказиб берганда қабул қилувчи тараф учун хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича
йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш мабжуриятларини ўз зиммасига олади.

Ижрочининг раҳбари ва ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва имзоси

Мухр ўрни

ТАШКИЛОТ БЛАНКИ

_____ (лот рақами ва танлаш предмети кўрсатилади) Танлаш учун
ТЕХНИК ТАКЛИФ

№: _____
Сана: _____

Харид комиссии

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ етказиб бериш учун №_____ -сонли танлаш бўйича харид қилиш хужжатларини ва №№-рақамли (ёзма мурожсаатлар ва уларга жавоблар мавжуд бўлган тақдирда сўровларнинг рақами кўрсатилади) ўрганиб чиқиб, биз, куйида имзо чекувчилар, _____ (ижрочи кўрсатилади) ишлаб чиқарган, _____ микдордаги _____ (таклиф қилинадиган товарнинг номи, маркаси ёки модели кўрсатилади) етказиб беришни таклиф этамиз.

Биз танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича маҳсулотни ушбу техник таклифга тўла мос равишда етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш тугаган кундан бошлиб _____ кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- таклиф қилинаётган маҳсулот техник тавсифларининг солиштирма жадвали;
- техник хужжатлар (брошюралар, техник паспортлар, Фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва ҳ.к. ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар.

(ваколатли шахснинг имзоси)

Ижрочининг раҳбари ва ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва мансаби

Муҳр ўрни

Сана: «____» _____ 20 ____ й.

Таклиф қилинаётган товар учун техник тавсифларнинг қиёсий жадвали

№	Параметр номи	Техник топширик талабларига биноан кўрсатгич	Иштирокчи таклифига биноан кўрсатгич	Эслатма (мос келади/ мос келмайди)
	<i>Танлаш</i> _____ <i>(етказиб бериладиган товарнинг номи)</i>			
1				
2				

Иштирокчи раҳбари ёки ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва имзоси

Муҳр ўрни

Сана: «___» _____ 20__й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(танлаши моҳияти кўрсатилади)

Сана: *(таклифларни берииш санаси ёзилади).*

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачиинг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиласиз *(товарлар (ишилар, хизматлар))* номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари _____;

Тўлов муддатлари _____;

Товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартлари _____;

Етказиб бериш муддатлари _____;

Кафолат шартлари _____.

Сана: «____» 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

2-илова

Иштирокчилар ва танлаш таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

I. Малакавий баҳолаш мезонлари

2-жадвал

№	Мезони	Баҳолаш шкаласи	Эслатма
1	Малакавий хужжатларнинг тўлиқ тўпламининг мавжутлиги ва уларни ўз вақтида тақдим этиши	Мавжуд/мавжуд эмас	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисвалификация қилинади
2	Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичидаги иштирокчининг холати	Ха/йўқ	Ха бўлса, иштирокчи дисвалификация қилинади
3	Иштрокчи виждонсиз изрочиларнинг ягона реестрига киритилган	Мавжуд/мавжуд эмас	Агар мавжуд бўлса, иштирокчи дисвалификация қилинади
4	Соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича қарздорлиги	Бор/йўқ	Агар иштрокчининг қарздорлиги бўлса, харид қилиш комиссияси иштрокчини дисвалификация қилиш хукуқига эга
5	Буюртмачи билан олдиндан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш	Ха/йўқ	Ха бўлса, иштирокчи дисвалификация қилинади
6	Иштирокчининг молиявий кўрсаткичлари тақдимоти	Бор/йўқ	Агар йўқ бўлса, иштирокчи дисвалификация қилинади
7	Буюртмачи билан суд мухокамаси ёки хакамлик мухокамаси босқичидаги иштрокчининг холати	Ха/йўқ	Ха бўлса, иштирокчи дисвалификация қилинади
8	Тасисчилари бир хил юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштрокчилар	Ха/йўқ	Ха бўлса, иштирокчи дисвалификация қилинади

II. Таклифларни техник баҳолаш

3-жадвал

№	Мезонлар	Баҳолаш	Эслатма
1	Танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг техник қисми талабларига мослиги	Мос келади/ мос келмайди	Мос келмаса, иштирокчи дисвалификация қилинади

Малака танлаш ва техник баҳолаш натижалари

Максимал балл (малака танлаш ва техник баҳолашинг максимал балл йигиндиси)	Минимал ўтиш бали

III. Нархни баҳолаш мезонлари

4-жадвал

№	Мезонлар	Баҳолаш	Эслатма
1	Таклиф нархининг бошланғич нархидан юкори	Ошади/ошмайди	Агарошиб кетса, иштрокчи дисвалификация қилинади
2	танлаш хужжатларининг нарх қисмiga мувофиқлиги	Мос келади/ мос келмайди	Мос келмаса, иштирокчи дисвалификация қилинади
3	Нархи	Энг паст нарх – танлаш голиби	танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юкори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда); танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишини давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) голиб сифатида аниқлайди.